



O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil, 25-iyul. Shanba • 86 (31.989)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

■ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Долзарб қонун лойиҳалари кўриб чиқилди

■ Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида қатор қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама этилди.

Дастлаб «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Унга кўра, суд ва прокуратура органларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини ошириш, тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёз ва преференциялар қўлланиши бўйича назорат механизмини такомиллаштириш, давлат, ҳуқуқчи му-

кодекс ҳамда «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг айрим моддаларига тегишли ўзгаришлар киритилмоқда.

Фракциямиз таъкидлайдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари ҳимоя қилиниши ушбу сектордаги иш ўринлари кафолатли сақланишига, ўз иш-ини йўлга қўйиш ниятидаги юртдошларимиз фаолиятини рағбатлантиришга ҳам хизмат қилади. Бу ўз навбатида мамлакатимизда аҳоли бандлигининг ошишига мустақам замин яратди.

Депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди ва атрофлича муҳокама этилди.



Санжар ШОТЎЛАНОВ ошган сурат.

хофаза қилиш ва назорат органларининг ноқонуний ҳаракатлари учун жавобгарликни кучайтириш масалалари кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

— Фуқаролик кодексига мувофиқ, мулк фақат суд қарори асосида мусодара қилиниши ёки ҳақ тўланмаган тарзда олиб қўйилиши мумкин, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилмурод Саъдуллаев. — Айни вақтда амалдаги қонунчилик айрим назорат органларининг мулкни мусодара қилиш ҳуқуқини кўзда тутди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суд органларининг ролини ошириш мақсадида товарлар, транспорт воситалари ва бошқа буюмларни фақат суд қарори асосида мусодара қилиш механизмини жорий қилиш тақдир этилмоқда. Шу муносабат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

Мазкур қонун лойиҳасида йўл ҳаракати қоидабузарликларининг олдини олиш самарадорлигини ошириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашнинг компьютерлашган бошқарув тизимини жорий этиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари риоя этиш масалалари кўзда тутилмоқда. Бу транспорт воситалари ҳайдовчиларининг масъулиятини ошириш, йўл транспорт ҳодисалари оқибатида келиб чиқадиган ўлим, оғир тан жароҳати олиш каби ноҳуш ҳолатларни камайтиришга, умуман, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон ХДП фракцияси кун тартибидаги бошқа қонун лойиҳаларини ҳам электронат манфаатлари нуктаи-назаридан келиб чиқиб, муҳокама қилди ва уларни концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

■ ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА

Куни кеча Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унда мустақиллик йилларида қўлга киритилаётган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини кенг очиб бериш устувор вазифа сифатида қўйилди.



Эл-юрт ҳурматида сазовор бўлиш учун

астойдил ишлашимиз керак

Хусусан, биз қўлга киритаётган юксак натижаларнинг асосий омили ва мезони сифатида, биринчи навбатда, халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги ортиб, фуқаролик позицияси тобора кучайиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Чиндан ҳам бугун одамларнинг ҳаётга қараши тубдан ўзгариб бормоқда. Ҳар бир киши ён-атрофда бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида ўз фикри, муносабатига эга. Айниқса, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий ислохотларга бефарқ эмаслиги, энг муҳими, бу жараёнда фаол иштирок этиш эканлиги тараққиётни янги босқичга кўтариш, эзгу

мақсадларнинг тўлиқ рўёбга чиқишида катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Айни кунда Сирдарё вилоятида 15 102 нафар киши Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзосидир. Ўтган йилнинг ўзида 1500 нафар фуқаро аъзоликка қабул қилинди. Шу рақамнинг ўзиёқ бугун одамларимиз давлат бошқарувини демократлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш ишларида жонбозлик кўрсатаётгани, бу жараёнда бефарқ эмаслигини англатади...

Бугун Сирдарё вилоятида ким билан суҳбатлашманг, амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ижобий ўзгаришлар ҳақида фахрийхонага тўла сўзларни эшитасиз...

Масалан, ўтган давр мобайнида вилоят иқтисодий салоҳиятини ошириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожланти-

риш ва аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш тизимида қатор эътиборга молик ишлар олиб борилди. Ҳар бир туман ва шаҳарнинг ривожланиш ҳолати, истиқболдан келиб чиқиб, ҳудудий ривожланиш дастурлари қабул қилиниб, амалиётга жорий этилмоқда. Аҳамиятли жиҳати, бугун вилоятда эришилаётган ютуқларда, ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг ҳаётга жорий этилишида партиядошларимизнинг, умуман олганда, ЎзХДПнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Маълумот учун: Ўтган йилги сайловда 130 нафар ЎзХДП вакиллари халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига депутат этиб сайланди. Демак, вилоят аҳолининг кўпчилиги партиямизга катта ишонч билан қараяпти.

► Давоми 2-бетда.

■ ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Кексаларга эҳтиром

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида «Кексаларнинг фаровон ҳаёти учун масъулият» лойиҳаси доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида давра суҳбатлари, учрашув ва турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад отахонларга ижтимоий қўмақ бериш ва уларни қийнаётган муаммоларни бартараф қилишдир.

— Бу борада махсус дастур ишлаб чиқилган, — дейди Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши бўлими мудири Сайфиддин Курбонов. — Сурхондарё вилоятида 200 мингга яқин кекса истиқомат қилади. Улардан 300 нафарга яқини Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, қарийб 12 минг нафардан ортиги меҳнат фахрийлари, 600 га яқини эса ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз кексалардир. Ўтказилаётган тадбирлар давомида кекса авлод вакиллари

алоҳида эҳтиром кўрсатиш баробарида уларни қийнаётган масалалар ҳам ўрганилмоқда.

Қизиқлиқ педагогика коллежи, «Янгиҳаёт» ва «Шодлик» маҳаллаларида ижтимоий-иқтисодий масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Қумқўрғон туманидаги 3-умумтаълим мактаби, «Янгиер» ва «Улғубек» маҳаллаларидаги давра суҳбатларида кекса авлод вакиллари ички йўлларнинг носозлиги, ичимлик суви келадиган қувурларнинг таъмирталаблиги қийнаб келаятгани аниқ-

ланиб, ҳамкор ташкилотлар билан бирга тегишли чоралар кўрилди.

— Бизнинг туманда 181 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди ЎзХДП Сарисий туман кенгаши раиси Муродилла Сангинов. — Етмишдан ортиқ қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари бор. «Хуфар» маҳалласи, «Тоғчиён» қишлоқ фуқаролар йиғини ва Агросаноат касб-ҳунар коллежларида «Кексаларнинг фаровон ҳаёти учун масъулият» лойиҳаси доирасида очик мулоқот ташкил қилинди. Самимий ва ошқора руҳдаги йиғилишларда талай масалалар ўрганилди, ҳамкор ташкилотлар ёрдамида бартараф қилиш чоралари белгиланди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Самарқандда 400 йилдан сўнг ўз ечимини топган кашфиёт

4

«Ўзбекистон овози» мухбири
Нурали ОРИПОВ ёзиб олди.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ДЕПУТАТ СЎРОВИДА КЎТАРИЛГАН МАСАЛАНИ

ҳал этишда халқ вакиллари, ижро ҳокимияти ва мутасаддилар бирдек масъулдир



■ Халқ депутатлари Бўстонлик туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи Президентимизнинг «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини ўрганди.

Хаётий ғояларни илгари сурган, уларни амалга ошириш учун ташаббуслар билан чиқиб, қатъият кўрсатган партиягина эл-юрт ҳурматиға сазовор бўлади.

ЎЗХДП СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА



Эл-юрт ҳурматиға сазовор бўлиш учун

астойдил ишлашимиз керак



Алишер ТОШМАТОВ,
ЎЗХДП вилоят
Кенгаши раиси,
халқ депутатлари
вилоят Кенгашидаги
партия гуруҳи раҳбари:



Анвар ҚУРБОНОВ,
халқ депутатлари Сирдарё
вилоят Кенгашидаги партия
гуруҳи аъзоси,
Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Бугун ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига қаратилган аниқ тақлиф ва ташаббуслар билан чиқишда партия ташкилотлари ва депутатлар фаоллигини кучайтириш давр талабига айланди. Шу маънода сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлиб, одамларнинг кайфияти ва фикрини ўрганиб боришга ҳаракат қилишимиз.

Масалан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Абдуразақ Аллаёровга фуқаролар Оқолтин тумани, «Шодлик» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги қишлоқ врачлик пункти айрим сабабларга кўра ишламаётганлиги ҳақида мурожаат қилишди. Депутат муаммоларни келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юборди. Депутат ташаббуси билан муаммо ижобий ҳал этилди.

— Партия гуруҳларимиз электро-рат манфаатларини ҳимоя қилиш, сайловчилар ишончини оқлашда, дастурий мақсадларимиз амалга оширишда асосий куч ҳисобланади. Албатта, бугун депутатлар зиммасида катта вазифалар турибди. Аввало, давлат ҳокимиятининг сайланадиган вакиллик органлари ишида фаол иштирок этиш орқали партия олдидан турган вазифаларни бажариш, электротат манфаатларига хизмат қилувчи қонунлар ижросига самарали таъ-

сир кўрсатиш механизмдан тўлиқ фойдаланиш лозим бўлади.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎЗХДП гуруҳлари томонидан 5 масала партия гуруҳларида, 2 масала доимий комиссия йиғилишларида кўриб чиқилди.

Хусусан, 2015-2019 йилларга мўлжалланган партиямиз Ҳаракат дастури асосида халқ депутатлари Бойвут туман Кенгашидаги ЎЗХДП

Тақлифим бор эди...

Биз халқ вакилимиз. Шунинг учун зиммамизда сайловчи манфаатини ҳимоя қилиш вазифаси туради. Бунинг учун кўпроқ одамлар ичига кириб бориш, улар билан доимий ҳамсухбат бўлиш керак. Қайсидир соҳадаги муаммони ўрганиб, уни ҳал этиш жараёнида ҳам аҳолининг ислохотлар тўғрисидаги фикри қандай, бугунги жараёнлар ҳақида улар нима дейишини ўрганиш керак бўлади. Чунки мутасадди ташкилот томонидан берилган маълумот билан чекланиб қолмаслик керак. Одамлар билан гаплашиб, ҳақиқий вазиятни, ҳаётни чуқурроқ ўрганишимиз керак. Улар ҳудудларнинг ривожланиш ҳолати, амалга оширилаётган ишларнинг бевосита гувоҳи бўлгани боис, бу бўйича тўлиқ тасаввур бера олади. Шунингдек, биз депутатлик сўрови, ижро ҳокимияти раҳбарлари ҳисоботини эшитиш механизмларида кенг фойдаланишимиз зарур. Бу, табиийки, партиямиз Сайловолди дастурида белгилаб олганимиздек, ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

гуруҳи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, пенсия ва нафақаларнинг тўғри ва адолатли тақсимланиши бўйича назорат-таҳлил ишларини олиб борди. Партиямиз вакиллари масала бўйича мониторинг натижаларини умумлаштириб, уни доимий комиссия йиғилишида кўриб чиқишди. Билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар асосида доимий комиссия қарори қабул қилинди.

Шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг sanoat, transport, kurilish, kommunal xujalik, aloqa va aholiga xizmat kursatish masalalari doimiy komissiyasi-da ЎЗХДП гуруҳи ташаббуси билан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини ошириш масаласи кўриб чиқилди. Халқ депутатлари Ширин шаҳар Кенгашининг сессиясида ҳам бу масала атрофлича муҳокама этилди.

Депутатлар фаолиятига қисқача назар:

Жорий йилнинг биринчи чорагида маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз томонидан корхона ва ташкилотларга 107 депутатлик сўрови юборилди. Шундан ҳозиргача 76 сўровда кўтарилган масалалар ижобий ҳал қилинди. Бу жараёнда, айниқса, Сирдарё, Бойвут, Сардоба, Оқолтин, Гулистон туман Кенгашларидаги депутатларимиз фаоллик кўрсатди.

Ўтган йили Сирдарё туман «Ичимлик суви ишлаб чиқариш корхонаси» раҳбари Тоштемир Каюмов номига ҳудуднинг Пахтакор, Ширин, Ғарқат маҳаллаларида ичимлик сувини узатишнинг бартараф этиш бўйича депутатлик сўрови берилган эди. Сайловчилар томонидан билдирилган эътирозга асосланган мазкур сўров ташкилот раҳбарлари томонидан ўз вақтида кўриб чиқилди ва ушбу ҳудудда 1,6 км узунликда сув қувури тортилди. Натижада 355 хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Халқ депутатлари Сирдарё туман Кенгаши депутати Олимжон Абдуллаевнинг янги иш ўринлари яратиш бўйича олиб бораётган ишлари ҳам ибратлидир. Ушбу депутатимиз 2015 йилнинг беш ойи давомида 10 киши ишли бўлишига яқиндан кўмаклашди. Бундай мисолларни кўлаб келтириш мумкин.

Биламизки, партиямиз тизимида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари аҳоли, хусусан, электротат манфаатларини ҳимоя қилишда тажрибадан ўтган самарали усуллар. Шунинг учун аҳолидан тушган мурожаатларнинг ҳар бирига жиддий эътибор қаратаёلمиз. Бу орқали нафақат одамларни ўйлантираётган масалалар бартараф этилмоқда, балки жойларда учраётган камчиликлар аниқланиб, уларни таҳлил этиш, ҳал қилиш бўйича ҳаётий тақлифлар ишлаб чиқилиши.

ЎЗХДП вилоят ва туман, шаҳар кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналарида жорий йилнинг биринчи чорагида 115 мурожаат бўлди. Шундан 70 таси ҳамкор ташкилотлар кўмағида ижобий ҳал этилди. Қолгани назоратга олинди ва айримларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Масалан, шу йилнинг март ойида вилоят партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига Ширин шаҳридаги Нуробод маҳалла фуқаролар йиғинида газ таъминотида узил-пирил бўлаётгани тўғрисида фуқаролар мурожаат қилди. Масала халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилди, мутасадди ташкилотларга мурожаат этилди. Энг муҳими, биз уни ижобий ҳал этишга эришдик. Газ таъминотидаги тўсиқ бўлаётган муаммолар аниқланди ва улар бартараф этилди...

Тақлиф:

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида бир қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, сиёсий партиялар, депутатларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайди. Биз ана шу имкониятлардан келиб чиқиб, аввало, партия ташкилоти ва депутат ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга эришишимиз керак. Очигини айтсак, партия ташкилоти эшигини ойлаб тақиллатмайдиган депутатларимиз ҳам йўқ эмас. Депутат ўз сайлов округидаги вазиятни таҳлил этиб, ўша жойдаги бошланғич ташкилот, туман ёки шаҳар партия кенгаши билан мустаҳкам алоқа ўрнатса, муаммоларни ҳал этиш имконияти ошади.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА,
ЎЗХДП Сирдарё вилоят кенгаши
раиси ўринбосари, халқ
депутатлари вилоят Кенгаши
партия гуруҳи аъзоси:



— Мустақиллик йилларида юртимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш тизими тубдан такомиллашди, уларни эъзозлаш, фаоллигини ошириш бўйича кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бугун биз аёлларга ҳар бир соҳада ўз иқтидоримиз ва салоҳиятимизни намойиш этиш учун етарли шароит яратилган.

Партиямиз тизимида «Фаол аёллар» қаноти ҳам хотин-қизлар фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келаямиз.

Бугун сирдарёлик хотин-қизларнинг 5 мингдан ортигини ЎЗХДП аъзолари ташкил этади. Қувонарлиси, йилдан-йилга бизга хайрхоҳ бўлган аёллар сафи кенгайиб бораёпти. Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 62

нафар хотин-қиз сафимизга қўшилди. Бу зиммамизга катта масъулият юкляйди...

Вилоятимизда «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иқтисодий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, уларни оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка жалб этиш ҳамда ижтимоий-маиший шароитларини янада яхшилаш мақсадида қатор тадбирлар ташкил этилди. Масалан, «Ижтимоий ҳимоядан ижтимоий фаоллик сари», қишлоқда қизлар спортини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар ҳамда «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш», «Қонунлар тарғиботи» оилалари доирасида амалий тадбирлар ўтказилди.

Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида «Ижтимоий

тадбирларида фаол иштирок этипти.

Масалан, «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг бу йилги босқичларида қатнашиш истагини билдириб, 1500 нафардан зиёд йигит-қиз мурожаат қилди. Шунингдек, улардан 165 нафари танловнинг биринчи, яъни бошланғич партия ташкилотларида фаол бўлган бўлса, 11 нафар ЎЗХДПнинг

Менинг тақлифим:

Тўғри, қанотимиз томонидан ёшлар манфаатини ҳимоя қилишга бағишланган кўлаб тадбирлар, лойиҳа ва кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Лекин назаримда, биз бир масалага янада чуқурроқ ёндашишимиз керак. Партиямиз дастурий мақсадларида жисмоний имконияти чекланган кишиларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилган. Қанотимиз жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг қобилият ва иқтидорини рўёбга чиқариш, уларни рағбатлантириш ва кўлаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни кўпайтириши керак. Жисмоний имконияти чекланган бўлса-да, нимагадир қизиқиши ёки истеъдоди бор болалар жуда кўп. Улар билан ишлашимиз, ўзига ишончи мустаҳкамланишига кўмаклашишимиз керак.



Назира АБДУМУМИНОВА,
ЎЗХДП вилоят кенгаши бўлим
муdiri:

— Сирдарё вилоятида 309 та ЎЗХДП бошланғич ташкилоти бор. Биз қуйи ташкилотлар фаолиятини замонавий талабларга мос равишда ташкил этиш, ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатларнинг қуйи бўғин билан ишлашга муносабатини ўзгартириш, етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий салоҳиятини юксалтиришга эътибор қаратаёلمиз. Масалан, сиёсий ва фуқаролик маъ-

рифати тизимида ўқувлар, эркин мулоқотларни кўпроқ ўтказаямиз.

Халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партиямиз гуруҳи аъзолари ҳамда бошланғич ташкилотлар етакчилари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш кун тартибидagi устувор вазифа этиб белгиланди. Хусусан, ҳар ойда ташкил этилаётган «Бошланғич партия ташкилотлари куниди» депутатлар билан биргаликда

бошланғич ташкилотларга борилади, улар фаолияти, муаммолари ўрганилади, тақлифлар эшитилади. Бу тақлифлар депутатлар томонидан чуқур таҳлил этилиб, доимий комиссия ва сессиялар муҳокамасига электротат манфаати билан боғлиқ масалаларни олиб чиқишга асос бўлади.

Айни кунда шу тажрибадан янада кенгроқ фойдаланган ҳолда, қуйи бўғинлардан кўпроқ тақлиф олишга ҳаракат қилаёلمиз. Чунки улар аҳолини, ёшларни ўйлантираётган, қизиқтираётган масалаларни яхши билгани сабабли ҳаётий, асосли тақлифлар беради.

Фаол бошланғич ташкилотларимиз ҳақида гапирадиган бўлсак, Сирдарё иссиқлик электростанцияси акциядорлик жамиятидаги бошланғич ташкилоти-

Қанот фаолиятини кучайтириш учун:

Биз фаолиятимизни ривожлантириш учун, аввало, хотин-қизлар ўртасида ўтказиладиган тадбирлар самараси ва таъсирчанлигини оширишимиз керак, деб ўйлайман. Тадбирларни шунчаки ўтказишдан ҳеч кимга наф йўқ. Уларни режалаштиришда, тадбир дастурини ишлаб чиқишда кўруқ маърузалардан воз кечиш, кўпроқ аёлларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва уларни ҳал этиш чора-тадбирларига ургў бериш керак, назаримда.

ёш аъзоси танловнинг иккинчи туман ва шаҳар босқичларида қолиб қолган бўлиши мумкин. Танловнинг учинчи вилоят босқичида Санжар Аввалбоев қолиб қолган бўлиши, республикада вилоятимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан жойларда «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими томонидан «Кексаларимиз ёшлар эъзоз ва эътиборида», «Кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш — менинг бурчим» мавзуларида қатор тадбирлар ўтказилди. Мазкур тадбирлар давомида 30 га яқин кексалар хонадонидида ҳашар уюштирилди, уларнинг ҳолидан хабар олинди.

Шунингдек, «Ёш сиёсатчилар» клуби томонидан «Ёшларга оид қонунчилик — ёшлар нигоҳида» лойиҳаси бўйича тадбирлар изчил ташкил этилди. Унда 1000 нафардан ортиқ йигит-қиз мазкур лойиҳада фаол қатнашди. Лойиҳа доирасида ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда соҳага оид қонун ҳужжатларини

ҳимоядан ижтимоий фаоллик сари» лойиҳаси доирасидаги тадбирлар давомида шаҳар ва туманларда 50 нафар хотин-қиз иш билан таъминланишига кўмаклашилди. Шундан 40 нафари касаначиликка жалб этилди. Ишбилармон аёллар кредит олиб иш бошлашига яқиндан ёрдам берилди.

Бугун қишлоқ аёлини, қишлоқда ўсётган қизларнинг қандай муаммоси бор, уларнинг орзу-хаваслари, ниятлари, қизиқишлари қандай? Ана шу саволларга жавоб топишга интилиш, чекка ҳудудларда хотин-қизларни кўлаб-қувватлаш зарур. Қанчадан-қанча истеъдодли, нимадир ишлаб чиқаришга иштиёқи бор қизларимиз бор. Биз уларни аниқлашимиз, қўллашимиз, рағбатлантиришимиз керак. Ана шу йўналишдаги тадбирларимизни кўпайтирсак, мақсадимизга етган бўлаемиз.

янада такомиллаштириш юзасидан 50 га яқин тақлиф билдирилди.

«Ёшлар бандлигини таъминлашда уч томонлама шартномалар ижроси юзасидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатиш», «Ёшларнинг ишчи сифатида меҳнат фаолиятини олиб бораётган ёшлар меҳнат қонунчилигига мувофиқ меҳнат дафтарчаларини олишларини доимий назоратга олиш», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўлаб-қувватлаш жамоат фонднинг грантларини ёшлар томонидан ишлаб чиқараётган энг долзарб лойиҳаларга ҳам ажратишни йўлга қўйиш» каби тақлифлар кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Ўтган йилги сайловда 10 нафар 30 ёшгача бўлган истиқболчи ёшлар маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайланди. Бу қанотимиз аъзоларининг ижтимоий-сиёсий билим даражаси, фаоллиги ошиб бораётганидан далолат беради, албатта.

мизни мисол қилиб келтириш ўринли, назаримда. Бу ерда 685 нафар партиямиз аъзоси бор. Бошланғич ташкилот етакчиси Санжар Ярибеков партиямизнинг фаол ва жонқуяр аъзоларидан. Етакчи ташаббуси билан ташкилотда кўлаб тадбирлар ташкил этиляпти, партиямизга хайрхоҳ бўлганлар сони ошиб бораёпти.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, етакчида малака, билим етишмаса, аъзолар билан ишлашни билмаса, у ерда иш юришмайди. Шу боис биз бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш учун, аввало, қуйи бўғин етакчиларини кўлаб-қувватлаш, уларнинг фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратаёلمиз.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида фуқароларнинг давлат бошқарувидаги мавқеи, иштирокини кенгайтиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг бугунги босқичида сиёсий партиялар зиммасига ҳар қачонгидан кўпроқ масъулият юкланмоқда. Бундай шароитда ҳаётий ғояларни илгари сурган, уларни амалга ошириш учун ташаббуслар билан чиқиб, қатъият кўрсатган партиягина эл-юрт ҳурматиға сазовор бўлади.

Махсус саҳифани ўз муҳбирларимиз
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ ва Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.
Суратлар муаллифи Фаррух АЛИЕВ.

Самарқандда 400 йилдан сўнг ўз ечимини топган кашфиёт



Самарқанддаги Шердор мадрасаси пештоқидаги безаклар.

■ Ҳар йили дунёнинг турли бурчақларидан қадим ва ҳамини навқирон Самарқандга минг-минглаб сайёҳлар келишади. Регистон майдонидаги бири-биридан бетакрор ва жозибали минора-ю мадрасалар кўрқу жамоли, ҳусни-латофати уларни лол қолдиради, ҳайратга солади. Асрий обидалардаги гўзалликка маҳлиё бўлган меҳмонлар Франциядаги Эйфель миносаси, Ҳиндистондаги муҳаббат рами бўлмиш Тож Маҳал, Мисрдаги гиза эҳромлари каби Регистонни ҳам Самарқанднинг, Ўзбекистоннинг тимсоли деб билишади ва унга талпинишади.

Дарҳақиқат, Самарқандда ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» Халқаро мусика фестивали садолари Регистон майдонида янграши ҳам бежиз эмас. Ушбу нуфузли анжуманга келган санъат аҳли афсонавий мадраса ва минораларда мусика сеҳрини, кўшиқ парвозини ҳис этишади.

Албатта, ҳар бир сайёҳ ва меҳмон мадрасалар пештоғига нақши нигор қилingan турли тасвирлар сир-синаоти, гоёси ва мантикий ечимига қизиқиши табиий. Ҳар бир тасвир эса ўзининг мазмун-моҳиятига эга.

2014 йил 15-16 май кунлари қадим Самарқандда юксак савияда ўтказилган «Ўтган асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференциянинг очилиш маросимида Президентимиз Ислон Каримов ўз маърузасида жумладан, шундай деган эди: «Бугун ҳеч бир муҳола-ғасиз айтиш мумкин ва буни алоҳида айтмоқчиман, Ўрта Шарқ даҳоларининг буюк кашфиётларидан иборат илмий мероснинг чуқур қатламлари хали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчи-ларини кутмоқда».

Регистон майдонидаги Улуғбек мадрасаси, Шердор мадрасаси, Тиллақори масжид-мадрасаси Самарқанд меъмори-лари ижодидан нодир намуна бўлиб келмоқда. Бу улуг заминда неча-неча мутафаккир, зиёлилар, алломалар, пирлар, усто-зу шоғирдлар, олимлар қадамларининг изи бор.

Уч муборак мадрасанинг ҳар бири миллий меъморчи-

лигимизнинг нобъ дурдоналари ҳисобланади.


Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодир ватанпарвар инсон бўлган. У ободончилик, қури-лиш ишларига катта эътибор берган. Жумладан, Самарқанддаги Шердор мадрасаси (1619-1636 йй.), Тиллақори масжид-мадрасаси (1646-1660 йй.), Маҳдумқули Аъзам масжиди, хонақоси (1618 йй.) ва бошқаларни қур-дирган. Ялангтўш қудратининг рамзи мадраса равоғида қараб турган икки қуёш тағида оқулар-га ҳамла қилаётган шерлар тимсолида ифода этилган.

Мадраса самарқандлик меъмор Абдуҷаббор (XVII асрда яшаб ўтган меъмор Шердор мадрасасининг меъмори (1619-1636 йй.) лойиҳаси бўйича 17 йил давомида қурилган, уни меъморий безак устаси Мухаммадбобос зийнатлаган.

Мадраса пештоғи симметрик қилиб рамзий нақшлар билан безатилган, қизғиш зарҳал Шер нозик оқ оҳуни қувиб кетаётгани тасвирланган. Уста мулла Абдуҷаббор нафақат нақш тилини, балки гўзаллик фалсафасини, рамзийлиқни билган ва мустақил ижодкор уста бўлган. Бундай тасвир-нинг улкан бино пештоғида ишлангани билан меъмор қан-дай мақсадни назарда тутган экан?

Бу масалада ҳозиргача тайин аниқлик йўқдир. Шу ҳақда ўзимизни баъзи мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

● **Таниқли олим, академик Пўлат Зоҳидов** ўзининг «Меъмор олами» китобида Шердор мадрасасининг беа-ғи ҳақида шундай дейди: «Са-марқандлик олим Абу Тоҳир-хўжа XIX-асрнинг 30-йиллари-да ёзган «Самария» китобида Шердор мадрасаси пештоғи-даги тасвирларни бироз бош-



Шердор мадрасаси пештоқлари на-моёни таҳлили.

1-эркак шер боши; 2-зулқисмон қора шакллари; 3-шернинг оёғи; 4-шер-нинг қулоғи; 5- шернинг тиши; 6-шер-нинг соҳи; 7-шернинг қорни; 8-шернинг думи; 9-оҳу; 10-инсон пешонаси; 11-қуёш нури; 12-қошининг қовоғи; 13-қора соҳ; 14-сочнинг гагаги; 15-инсон яноғидаги хол-лар; 16-намоён; 17-тилла рангли ислимий нақшлар; 18-оқ ранг; 19-яшил ранг; 20-қаво ранг; 21-шернинг тирноғи; 22-инсон қоши; 23-инсон буғи; 24-оқ нукталар; 25-шер-нинг тиши; 26-шернинг кўзи; 27-шернинг соқли; 28-инсон лаби.

қача талқин қилади. У тасвир мазмунини мусулмон астроло-гиясида кенг тарқалган осмон-даги юлдуз буржлари билан боғлаб таърифлайди. Абу Тоҳирхўжанинг айтишича, хур-шид — Қуёш шакли Шер бур-жи (юлдузлар туркуми) билан қўшилиб кетган: оҳуни тутмоқ-чи бўлган Шер ҳамласини қуёш нурларининг тиғи қайтар-моқда. Ғўёки, нур-зиё офатни даф этмоқда. Ҳар ҳолда, ижод-корлар чуқур гоёвий фикрни рамзий тахлитда беришга қўрилиб турибди. «Лекин, — дейди Пўлат Зоҳидов, — ҳозирча, тасвирнинг талқини

ҳақида бошқа бирор аниқ та-рихий маълумотга эга эмас-миз».

Ҳақиқатан ҳам Шердор мадрасаси пештоғидаги нақш композициясининг тилсини етарлича асосларда талқин қилиб берилмаган. Чунки нақшни ўқиш тили алифбоси бизгача етиб келмаган. Ҳозирча нақшларни рамзий ўқиш алифбоси тузилмаган. Шунинг учун нақшларни ўқиш масаласи муаммо бўлиб кел-моқда. Шердор мадрасаси пештоқидagi безак мураккаб композиция бўлиб, уни таҳ-лил қилиш ва ундан тўғри ху-лоса чиқариш учун санъат-шунос олим бир қанча илм турларидан хабардор бўли-ши лозимдир. Масалан, бе-закни таҳлил қилиш учун олим нақш санъатини юқори даражада билиши, шу қато-ри тарих, астрология, психо-логиянинг икки тармоғи бўлмиш «Физиогномика» (киёфа илми), ранг психо-логияси, рамзийлик, тарих, фалсафа, мантиқ дунёвий ҳамда ғайб илмидан хабар-дор бўлиши талаб этилади. Демак, меъмор — нақшо Аб-дуҷаббор юқорида айтиб ўтилган илмлардан хабардор бўлгани ўз исботини топди.

Зиёли инсонлар руҳий пок-ликка, руҳий поклик орқали ко-милликка эришади, деган фал-сафий фикрни илгари суради. Шунинг учун меъмор Абдуҷаб-бор бўлажак мадраса пешто-ғига шундай тасвир ишлаш ке-ракки, бу нақш биринчидан, безак қалбидagi гўзаллиқни акс эттирсин. Муқаддас кито-бимиз Қуръони Каримда ай-тилганидек, «Оллоҳ гўзаллик-ни яхши қўради» деган фалса-фий гоёни кўтаради. Чунки ат-роф-муҳит ҳам гўзал бўлиши кераклигини тушунтиради. Ик-кинчидан, Ялангтўш Баҳодир, бу тасвир орқали инсонларни зиёли бўлишга, яъни зиё орқ-али, руҳий поклик орқали ко-милликка эришиш мумкинли-гини кўрсатиши, учинчидан, менинг ҳақимда яъни нақш тили билан яшаган давримни ҳамда менинг суратим ва сий-ратимни баён этсин, деган мақсадни олдиға қўяди. Аб-дуҷаббор ушбу вазифани етук нақошлар гуруҳи билан мас-лаҳатлашиб, ажойиб, мукам-мал композиция тузади ва ўз олдиға қўйган мақсадға эри-шади.

Меъморчиликдаги бу бе-закларда ўзига хос шундай композиция чизилганки, нақш тили орқали шаҳар ҳокими Ялангтўш Баҳодир номдор қаҳрамон, зиё тарқатувчи, ўз халқига фидойи инсон экан-лиги моҳирона акс эттирил-ган. Нақшо танаси йўлбарс, боши шер бўлган афсонавий ҳайвонни тасвирлаган. Ком-позицияда биринчи шакл шерсимон йўлбарс, иккинчи-си оҳу боласи, учинчиси қуёш, туртинчиси намоён (ко-миллик) кўзға ташланади. Композициядаги қаҳрамон бу шердир. Асосий қаҳрамон — шерни нақшо афтидан икки ўринда, яъни қўпликда инсон-ларни, иккинчи ўринда Яланг-тўш Баҳодирнинг рамзий маъ-нода ифодалаган. Демак, Ялангтўш Баҳодирнинг сура-ти ва сийратини ҳамда туғил-ган йили ва ой, кунни нақш


тили билан ёзилган. Бунинг учун биз тарихға мурожаат қиламиз.

● **Самарқандлик олим Абу Тоҳирхўжанинг «Сама-рия» китобида** Шердор ма-драсаси пештоғидаги тасвир-лар астрология, яъни мунаж-жим илми билан боғлиқ де-ган фикри тўғри деб ҳисоб-лаймиз.

Юқоридаги воқеалар астроло-гия илми бошқа фанларға ҳам кириб боришиға сабаб

мучали ва буржи ифодалан-ган. Бизнингча Ялангтўш Ба-ҳодирнинг мучали йўлбарс бўлган. Агар шундай бўлса, у 1578 йилда туғилган бўла-ди. Ўзбек миллий энцикло-педиясининг 10-жилди 367-бетида эса туғилган йили 1576 йил деб берилган шар-қий мучал бўйича у сичқон.

Қуёш ичида тасвирланган одам қиёфаси яноғидаги бит-та хол, холлар таъбирида ай-тилишича, комиллиқни



бўлади. Жумладан, нақшолик санъатига кириб бориб, мил-лий меъморчилик ва амалий санъат безакларида ўз аксини топди. Бу ҳақида бир қанча ми-соллар келтириб ўтамиз. Шу-лар қаторида Шердор мадрас-аси пештоғидаги тасвир ҳам афтидан астрология фани асо-сида безатилган. Композиция-даги тасвирда Ялангтўш Ба-ҳодир эркак шер рамзида акс эттирилган. Эркак шер боши

(гўзаллиқни) англади. Нима учун инсон қиёфасида сим-метрик иккига хол қўйилган? Бунинг маъноси қуйидагича: «Инсон қачон комил бўла ола-ди, қачонки тили билан дили бир бўлса» дейди.

Хулоса қилиб айтганда, асрлар давомида улкан мада-ний бойлигимиз, хусусан, ўзбек миллий халқ амалий бе-зак санъатининг кенг тарқал-ган турларининг ўзига хос то-

Шарқий мучал	Бурч бўйича
Йил	Ой
	
1576 йил	15 сентябрь
1578 йил	Август
Йўлбарссимон шер	
Ялангтўш Баҳодирнинг Шарқий мучали, буржлар ва шамсий йил ойлари тасвирланган чизма. Бу чизма йил ўн икки ойдан, ой эса кунлардан, кун эса кун ва тундан иборатлиги рамзий маънода ҳам берилган. Ялангтўш Баҳодир Шарқий мучал бўйича йўлбарс, буржи эса шер экан. Шу асосда у 1578 йил августда туғилган, деган тахминга келамиз.	

орқали шарқий толеном асо-сида Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодирнинг буржи, йўлбарс танаси орқали эса унинг мучали рамзий берил-ганлиги аниқланди.

Шердор мадрасаси пеш-тоғидаги композицияда эркак шернинг боши йўлбарс тана-сига бириктирилиб, йўлбарс-симон шер тасвирланганли-гининг сабаби шундаки, йўлбарссимон шер орқали Ялангтўш Баҳодирға қиёс-ланган ва рамзий безак ор-қали Ялангтўш Баҳодирнинг

монлари, мактаблари, бажари-ши технологияси, услублари, уларни яратган усталарнинг муборак номларини унутишга ҳаққимиз йўқ. Ана шу сабабли бу нобъ санъат дурдоналари-ни сақлаш, илмий ўрганиш, уларни ёшларға ўргатиш ва келажак авлодға етказиш му-ҳим вазифамиз, деб ўйлайман.

Саидхон БУЛАТОВ,
Низомий номидаги ТДПУнинг
профессори,
педагогика фанлари
доктори.

СПОРТ



АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳ-рида 25 июлдан 2 августгача XIV Бутунжаҳон махсус ёзги олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Ҳар тўрт йилда ўткази-ладиган ушбу спорт байрамида бу йил 170 давлатдан 7000 на-фар спортчи қатнашади.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАР МАХСУС ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Интеллектуал имкониятлари чекланган инсонларға мўлжаллан-ган махсус олимпиада ўйинлари илк марта 1968 йилнинг июль ойи-да бўлиб ўтган.

Ўзбекистон терма жамоаси ҳам махсус олимпиадада қатнашади. Йигирма нафар спортчимиз спорт-нинг 6 тури — бадий ва спорт гимнастикаси, сузш, стол тенни-си, бадминтон ва енгил атлетика бўйича ўз маҳоратини намойиш этади. Терма жамоани мазкур олимпиадада иштирок этиш та-шаббуси «Sen Yolg'iz Emissan» фонди томонидан қўллаб-қувват-ланди. Спортчилар Ўзбекистон гимнастика федерациясининг спорт мажмуасида мусобақаларға пухта тайёргарлик қўриши. Бун-дан ташқари, улар тиббий қўриқ-дан ўтказилди ва турли соғ-ломлаштириш муолажалари таш-кил этилди.

Терма жамоа аъзоларининг ис-такларини инобатға олган ҳолда, улар учун мусобақалардан олдин қизилари маданий дастур тузил-ди. Машҳур «Диснейленд» ва «Юниверсал Студиос» истироҳат боғларида ҳамда Тинч океани қир-ғоғидаги шаҳарчаларда сайр қилиш ушбу дастурдан жой олган.

Ўзбекистонлик спортчилар маз-кур махсус олимпиада ўйинлари-да муваффақиятли иштирок эти-шади, деб умид қиламиз.

Шоҳбоз САИДОВ

ОБ-ҲАВО 25-26.07 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°С)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+22 / +27 +35 / +40

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+22 / +27 +35 / +40

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари

+20 / +25 +34 / +39

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари

+22 / +27 +35 / +40

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари

+20 / +25 +33 / +38

Тошкент шаҳри

+23 / +25 +36 / +38

Дунё бўйлаб (°С)

Лондон +21 / +17

Париж +23 / +22

Москва +25 / +29

Мадрид +34 / +37

Пекин +33 / +34

Канберра +11 / +8

Рим +32 / +31

Афина +34 / +35

Токио +20 / +19

Стокгольм +20 / +19

Кейптаун +16 / +18

Қоҳира +38 / +37

Гавана +32 / +34

Вашингтон +33 / +34

ТАДБИР

Иқтидорли ҳофизлар танлови

Марғилон қадимдан улуг санъаткор ва олиму фозиллар шаҳри сифатида тилға олинади. Бундан ўн аср илгари бу ерга таширф буюрган араб сайёҳи ва олими Ибн Батутта ҳар кўча ва даҳасида куй-қушиқ янграб турган шаҳарнинг ўзига хослиги ҳақида ёзган эди. Саодат Қобулова, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Юсуфжон қизик Шакаржонов, Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов, Уста олим Комилов каби халқимизнинг машҳур санъаткорлари айнан шу шаҳар-да камол топиб элга танилган.

Бир неча йилдан буён Марғилонда Маъмуржон Узоқов хотирасига бағиш-ланган ёш ижрочилар республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Бу йил ҳам Марғилонга йўлланган аъна-навий кўрик-танлов иштирокчилари дастлаб Ўзбекистон халқ ҳофизлари Жўраҳон Султонов ва Маъмуржон Узо-қовларнинг мангу оромгоҳларини зиё-

рат қилдилар. Сўнгра шаҳарнинг кўркем бонди ёш ҳофизлар мусоба-қаси бошланди.

— Бу йилги танловда республика-мизнинг деярли барча вилоятларидан иқтидорли ёш ижрочилар иштирок этипти, — дейди **Ўзбекистон халқ ар-тисти, ҳайъат раиси Ўлмас Саид-жонов**. — Ёшлар орасида мумтоз асар-ларни маҳорат билан устозлар йўлида маромига етказиб қўйлайдиганлар то-бора кўпайиб бораётгани қувончлидир. Кўрик-танлов ёш истеъодларнинг ўзига хос байрамига айланди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва-кили Сададдин Салаев танловға тай-ёрлаб келган қўшиғини микрофонсиз ижро этганда амфитеатрдаги томоша-бинлар тик турганча қарсақ чалиб ол-қишлади.

Ижодий бахсда Фарғона, Андижон, Бухоро, Тошкент, Хоразмдан келган ёш ижрочилар голиблар сафидан ўрин олишди. Кўрик-танлов ғала-концерт билан якунланди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaat uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzil: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 759
11156
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqt — 00.20
Setuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

